Ишонч

№ 26
1993

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ— БОШ МАСАЛА

**Элликқалъа массиви Қорақалпоғистоннинг энг йирик қўриғи ҳисобланади. Бу ерда бир неча ўн минг гектар фойдаланишга яроқли серҳосил ерлар мавжуд. Бундан минг йиллар олдин массив гуллаб-яшнаган воҳа бўлган. Фақат Элликқалъа туманининг ўзидагина 253 та ҳар хил қалъалар, қўрғонларнинг харобалари бундан далолат бериб турибди. Хоразмийларнинг дастлабки қароргоҳи — Тупроққалъа ҳали-ҳануз кўрган кишини ўзининг салобати билан лол қолдиради. Аммо, Амударё ўз ўзанини ўзгартириши туфайли бобокалонларимиз маконларини тарк этишиб, дарё соҳилларига кўчиб кетишга мажбур бўлишган.**

**Бундан роса 20 йил олдин Элликқалъани ўзлаштиришдек умумхалқ ҳаракати бошланган эди. Ўтган даврда қўриқдан 20 минг гектар ўзлаштирилди. Янги Элликқалъа тумани ташкил топди. Ана шу қўриқ туман меҳнаткашларини ҳозирги қийин шароитда ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан касаба уюшмалари қандай тадбирларни амалга ошираяпти! Мухбиримизнинг саволига Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси Сотимбой АЙИТБОЕВжавоб берди.**

— Ҳозир туманимизда 100 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксар кўп қисми қишлоқларда яшайди. Туман касаба уюшмаси қўмитасига 45 бошланғич, 22 та цех, 359 та группа ташкилотлари бирлашган. 19 мингга яқин аъзоларимиз бор.

Шу кеча-кундуздаги қийин ва мураккаб бозор иқтисодига ўтиш шароитида меҳнаткашларни, айниқса қишлоқ аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг бош вазифасидир.

Биз даставвал уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, кўнгилли дам олишини бир мунча дуруст йўлга қўйишга эришдик. Бунда асосан табиий шароитлар, маҳаллий имкониятлардан унумли фойдаланиш қўл келаяпти. Туман ҳудудида иккита санаторий-профилакторий мунтазам ишлаб турибди. Қишлоқ меҳнаткашларидан ўтган йили 1026 киши дам олиш уйлари ва санаторийларда бўлиб, саломатлигини мустаҳкамлаб қайтишган бўлса, шулардан 846 нафари туманимиздаги А. Навоий номли ва пахта тозалаш заводи қошидаги шифохоналарда хордиқ чиқаришди, даволанишди.

Бу шифо масканларини кенгайтириш, шароитини яхшилаш ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Чунки узоқ жойлардаги шифо масканларига боришни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Ҳозирги кунда А. Навоий номли санаторийни 200 ўринга, пахта тозалаш заводи санаторийсини 100 ўринга етказиш юзасидан муҳим ишлар бажарилаяпти. Шу мақсадда Хушманзара Оқчакўл соҳилларида 15 та ёғоч уй қурилди. Табиат инъоми — 750 метр чуқурликдан отилиб чиққан шифобахш сувдан унумлироқ фойдаланиш учун ҳаракат қилинаяпти.

**— Қишлоқ меҳнаткашларига томорқа ерлар ажратилиши ва унинг берган самараси ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз.**

— Президентимиз И. А. Каримовнинг аҳолини ер билан таъминлаш тўғрисидаги фармонини ҳаётга татбиқ қилишда касаба уюшмалари ҳам фаол қатнашди. Ўтган икки йилда 12200 оилага 1309 гектар энг серҳосил ерлар ажратиб берилди.

Туманда 138 та фермер хўжаликлари тузилди. Ярим минг киши иш билан таъминланди.

Энг муҳими, томорқа ер ажратиб берилгач, чорва ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш кескин ортди. Йилнинг ўтган даврида шахсий хўжаликлар кучи билан 202 тонна гўшт, 850 тонна сут режадан зиёд топширилди.

Бундан кейин ҳам диққат-эътибор меҳнаткашларга ажратиб берилган ерларнинг самарадорлигини оширишга қаратилаверади.

Мавруди келганда шуни ҳам алоҳида таъкидламоқчи эдимки, одамларимизда меҳру шафқат ҳисси кучаймоқда. Бу — қадриятларимиз тикланаётгани, виждон эркинлигига кенг йўл очиб берилганлиги оқибати, албатта. Йил бошидан буён кам даромадли, боқувчисини йўқотган оилаларга 174 минг сўм беминнат хайрия ёрдами берилганлиги фикримизнинг далилидир.

**— Сотимбой Айитбоевич, кўп жойларда касаба уюшмалари ташкилотларига меҳнаткашлар ўзларининг ғамхўри, таянчи сифатида катта ишонч билан мурожаат қилишади.**

— Худди шундай бўлиши ҳам зарурда! Чунки, касаба уюшмаси меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини астойдил ҳимоя қилувчи оммавий ташкилот. Биз ҳам туман қўмитасига, жойлардаги бошланғич ташкилотларга мурожаат қилган ҳар бир меҳнаткашнинг қалб сўзларини жон қулоғимиз билан эшитамиз. Уларнинг дардига қонуний йўл билан малҳам бўлишга интиламиз. Шулардан айримлари тўғрисида тўхталмоқчиман. Масалан: меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ишдан ноқонуний бўшатилганларни вазифаларига қайта тиклашда касаба уюшмаси фаол ҳаракат қилаяпти. «Селькомремонт» идорасидан Гулчеҳра Худоёрова, «Тупроққалъа» ижара хўжалигидан ер тузувчи Жумамурод Бадашев, диспетчер Абдулла Матназаровлар касаба уюшмаси туман қўмитаси саъй-ҳаракатлари туфайли ўз ишларига қайта тикландилар.

**— Ўқувчи ва ёшларнинг ёзги дам олишлари қандай ўтаяпти!**

— Бу борада ўтган йили каттагина тажриба тўплаган эдик. Охунбобоев, «Қилчиноқ» ижара хўжаликларидаги 2 та лагерларда касаба уюшмаси ҳисобидан 300 нафар ўқувчилар мириқиб ҳордиқ чиқаришди. 57 нафар болалар эса «Чимён» ва Бўстонлиқдаги санаторийларда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтишди.

Бу йилги ёзги мавсумга ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Энг хушманзара ўринда жойлашган 240 ўринли «Радуга» лагери бу йил тўла қувват билан ишлаяпти. Иккита хўжаликлараро ўқувчилар лагерлари фаолият кўрсатаяпти.

**— Сермазмун суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Суҳбатдош:**
**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**Ишонч мухбири.**

# ИШЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК КЎПАЙМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ И. А. Қаримов олға сурган ғоялардан бири меҳнаткашларни доимий равишда ижтимоий ҳимоялашдир. Бу вазифани ҳукумат билан бирга касаба уюшмалари ҳамкорликда бажаради. Чунки касаба уюшмалари дастурида меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш бош вазифа эканлиги уқтирилган. Юқоридаги принцип ва ғояларга амал қилиб келаётган касаба уюшма ташкилотимизда 1100 нафар касаба уюшма аъзоси уюшган. Ўтган йили улардан 720 минг сўм аъзолик бадалларини йиғиб олдик. Жами даромадимиз 1 миллион 26 минг сўм бўлди. Бу йил эса 1 миллион 780 минг сўм даромад қилиш кўзда тутилган. Бундан, яъни аъзолик бадалидан 35 фоизини юқори касаба уюшма қўмиталари ҳисобига ўтказамиз. Чунки юқори ташкилотлар қанчалик бой ва кучли бўлса, қуйи ташкилотлар ҳам уларнинг ёрдамидан кўп манфаатдор бўладилар.

Касаба уюшма қўмиталари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш воситасига айланиб бормоқда. Бу нарса касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақидаги қонунда аниқ ифодаланган. Ташкилотимиз ўз фаолиятини ана шу қонун асосида олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Ўтган йили 40 нафар ишчи Зомин, Ҳоватоқ, Чимён, Моҳихоса, Чортоқ санаторийларида, 8 кищи Украина республикаси шифобахш масканларида дам олиб қайтдилар. Меҳнаткашларнинг 50 нафар ўғил-қизлари қашшофларнинг дам олиш лагерларида бепул дам олдилар. Ёрдамга муҳтож оилаларгакасаба уюшма қўмитасидан 10 минг, давлат хўжалиги маъмурияти томонидан 120 минг сўм пул ажратилди ва бу пуллар бўлиб берилди. Эргаш Пармонов, Бuврозия Садирова, Тиниқ Эшмуродова, Зоҳида Муқимовалар берилган ёрдам учун ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Хўжалик ҳудудида ким қандай яшаётганлиги бизга яхши маълум. Шу сабабдан ўтган йили 12 оилага ҳар ойда 200 сўмдан пул бериб турилди. Хўжалик ҳудудидаги 37-ўрта мактабнинг 350 ўқувчисига бир маҳал бепул иссиқ овқат бериб турилди. Далада ишловчи механизаторларга, шоферларга, ғалла ва пичан тўпловчиларга, сувчиларга, барча пахтакорларга ўнбешинчи майдан ўнбешинчи августгача — уч ой мобайнида бепул иссиқ овқат бериш ташкил этилди. Экинтикин вақтида, ҳосилни йиғиштириб олиш пайтида илғорлар рағбатлантириб борилди.

Дала меҳнаткашларига бу йил ҳам талай ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Техникаларни таъмирлаш вақтида унда ишлаганлар учун бир ярим ой мобайнида бепул иссиқ овқат ташкил этилган. 20 та оилага ойига 500 сўмдан ёрдам пули берилиб турибди. Бу ҳол йил охиригача давом этади. Наврўз куни Эргаш Пармонов, Қизларой Эшназарова, Мактаб Қаршибоева, Оқсулув Ерлақобова, Насибали Пармоновaларга уч минг сўмдан ёрдам кўрсатилди. Ғалаба куни 20 кишига 5 минг сўмдан пул берилди. 120 киши Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларига бепул томоша қилдириб келинди. 5 киши Марказий Осиё республикаларида бепул саёҳатда бўлиб қайтдилар. 50 нафар кашшофларга дам олиш маскналарига бепул йўлланмалар берилди.

Президентимиз И. А. Каримовнинг фармонларини бажара бориб хўжалигимиз ҳудудида яшовчи 650 хонадон тўлиқ газлаштириб бўлинди. Темир қувурлар етишмаслиги ҳам осон ҳал бўлди. Бекобод металлургия заводига ўз маҳсулотларимизни жўнатиб қувурларни айирбош қилдик.

Хўжалигимиз меҳнат аҳли 7600 тонна пахта, 687 тонна ғалла, 1250 тонна макка дони, 81 тонна мева, 60 тонна узум, 4 тонна пилла ишлаб чиқариш учун курашаётган экан, касаба уюшма қўмитамиз уларга ғамхўр, ишларида доимо камарбаста бўлишга интилмоқда.

**Тоҳир ЭШБЕКОВ,**
**Зомин туманидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» давлат хўжалиги касаба уюшмаси қўмитаси раиси.**



ТОШКЕНТ 2-пойабзал фабрикасининг 4-цех моторист-тикувчиси Дилбархон Муҳаммаджонова ишлаб чиқаришдаги кундалик ютуқлари билан ҳаммага ўрнак бўлмоқда.

Суратқаш: Ҳ. СОЛИҲОВ.

# «ИЛОЖИНИ ТОПАМИЗ»

## ДЕИИШДИ ЯНГИЕР ШАҲРИДАГИ 4—АВТОКОРХОНА РАҲБАРЛАРИ

«ГОЛОДНОСТЕПСТРОЙ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг автомобиль бошқармасида еттита автокорхона бор. Ҳаммаси ўзига топширилган вазифани бажариб турибди. Бироқ улар орасида 4-автокорхонанинг алоҳида ўрни бор. Аввало ишлаб чиқариш кўрсатгичлари ҳақида қисқагина гап. Йилнинг биринчи чораги ҳамма кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди. Шуни таъкидлаш кераки, бу корхона фақат юк ташиш билан шуғулланмайди. Унда 105 та автомашинадан ташқари 65 та турли кўтарма кранлар, 68 та бульдозер, грейдер, экскаватор сингари механизмлар бор. Биринчидан шунча техникага иш топиш, ёнилғи, мойлаш материаллари билан таъминлаш керак.

Корхона директори Салоҳиддин Назаркулов, бош муҳандис Ўрозали Холмуродов ва бошқа раҳбарлар билан ана шу ҳақда суҳбатлашиб ўтириб, баъзи бир рақамларнинг мағзини чақиб кўришга ҳаракат қилдик.

Самарадорлик 0,25 фоизга тушиб кетган корхоналар ҳам йўқ эмас. 4-автокорхонада ишлаб чиқариш кўрсатгичларининг анча юқорилашига биринчи сабаб, юқорида айтилгандек, ёнилғининг бир меъёрда топиб турилиши бўлса, иккинчиси раҳбар кадрларнинг малакаси, одамлар ҳақида ғамхўрлик қилишидир. Оқибатда корхонада аҳиллик, дўстлик қарор топган, меҳнат аҳли самарали иш билан банд.

— Одамлар сизга қандай масалалар билан мурожаат қилишади? — сўрадик касаба уюшма қўмитаси раиси Лариса Владимировна Дичковадан. У жавоб берди:

— Илгари ариза-шикоятлар кўп эди, ҳозир кескин камайган. Меҳнаткашлар асосан уй шароитини яхшилаш, даволаниш ва дам олиш масалаларида ёрдам сўраб келишади.

— Меҳнат можароларичи? Бошқа жойларда шу ҳақда кўп гап бўлади.

— Мана директор ҳам, муҳандис ҳам ўтиришибди, улар ҳам фикрларини айтишар, бизда меҳнат билан, иш ҳақи ёки бошқа соҳада адолатсизлик қилинаётгани тўғрисида умуман ариза-шикоят тушмаяпти. Чунки биз норозиликка, адолатсизликка йўл қўймаймиз.

1993 йил учун бир минг тонна бензин, бир минг икки юз тонна солярка керак экан. Бу ёнилғининг анчагина қисми эркин ёки келишилган нархларда сотиб олинишини ҳисобга олсангиз, қанча пул кетишини тасаввур этасиз. Бу бир масала. Иккинчи ва янада муҳимроқ масала қиммат бўлса ҳам ёнилғи топишдан иборат. Сирдарё вилоятида, шу Янгиер шаҳрининг ўзида ҳам бензин йўқ, солярка йўқ, деб иш қилолмай ўтирган раҳбарлар, планлар бажарилмай қолаётган ташкилот, корхоналар бор. 4-автокорхонада эса иложини топишяпти. Бироқ бу «илож» кўп югуриб-елишни талаб қиляпти.

Шундай пайтлар бўлдики, иш бор, техника бор, яхши кадрлар бор, лекин ёнилғи йўқлигидан иш тўхтаб қолади. Шуни ҳисобга олиб, ёнилғи масаласи директор зиммасига юкланди. Ёнилғи топиш қийин ишнинг қийини эди-да. Мана бугун планлар барча соҳаларда бажариляпти, бу муваффақият замирида қанчалик ишбилармонлик ва катта меҳнат ётганини ҳамма ҳам тушунавермайди. Кези келса, бировни ака, бировни ука дейишга, унинг қийин муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиб, бунинг эвазига ёнилғи топиш сари йўл очишга тўғри келади. Гапнинг қисқаси иш яхши бўлишини истасанг, имконият топасан. Ўзингнинг тинчингни ўйласанг, баҳона кўп. Салоҳиддин Назаркулов бошлиқ жамоа ишлашни, режаларни уддалашни хоҳлайди. Шунинг учун имконият топиляпти.

Корхона машина-механизмлардан фойдаланиш коэффициенти (самарадорлиги) 0,54 фоизни ташкил қиляпти. Одатда, ҳозирги қийин шароитда кўп корхоналар 0,40 фоизни ҳам дуруст кўрсаткич деб ҳисоблашяпти.

Ҳар бир корхонанинг фахри ҳисобланган машъаллари бўлади. Мана, Тошпўлат Алланазаровни олинг. У ҚАЗ-608 автомашинасини бошқаради. Машинаси ҳамиша ишга яроқли, топшириқларни доим ошириб бажаради. Автокранчи Владимир Муравьев, бульдозерчи Николай Гимозиддинов, автогрейдерчи Виктор Козлов, экскаваторчи Николай Махалинлар — корхона илғорлари.

Ремонтчи мутахассислар ҳақида алоҳида тўхташга тўғри келади. Сабаби шуки, ҳозир ишдан чиққан техникани, ҳатто унинг кичик бир мурватини темир-терсаклар орасига отиб юборадиган давр эмас. Эскини эплаш, жонсизга жон бериш керак. Акс ҳолда иш таққа тўхтайди. Шунинг учун автокорхона бош муҳандиси слесарь Юрий Қорабоев меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтишимизни сўради. Унинг шериклари Абдулла Абдиев, Анатолий Хамутовлар ҳам ишдан чиққан қисмларни қайта тирилтиришаётган экан.

Ю. Қорабоевнинг топқирлиги кўп наф келтиряпти. Мана бир мисол. Польшадан келтирилган кўтарма краннинг сувни ҳайдаб берадиган насоси ишдан чиқди. Шофёрлар тилида бу насос помпа деб ҳам аталади. Бу помпалар ҳеч қаерда йўқ. Нима қилиш керак? Қорабоев бу мушкул ишнинг иложини топди. У камаз автомашинасининг майда-чуйда қисмчаларини қўйиб, сув насосини бинойидек ишлайдиган қилиб берди. Бу моҳир слесарнинг қўлида қанчадан-қанча коробкалар, орқа мостлар, компрессорлар қайтадан тирилтириляпти.

Бултур беш оила янги уй олди. Бу йилнинг биринчи чорагида олти оила уй шароитини яхшилаб олди. 45 кишига дала ҳовли учун ҳар бири 6 сотихдан иборат ер ажратиб берилди. Корхонада ҳаммом, душ, дам олиш хонаси, биллярдхона, сауна бор. «Наврўз» дастаси фаолият кўрсатмоқда. Унга слесарь Собиржон Исматуллаев раҳбарлик қилади. Собиржоннинг ўзи тор чалади, овози ўткир ва ширали. Яқинда ўтказилган наврўз тантанасида ҳам у ва дўстлари ҳаммани хурсанд қилишди.

4-автокорхона ишчи-хизматчилари ҳеч қачон йўлда автобус кутиб туришмайди. Корхонанинг иккита автобуси одамларни эрталаб ва кечқурун манзилига элтиб қўйишдан ташқари, туш пайтида уларни тушлик учун уйларига элтади ва ишга олиб келади. Буни хоҳламаган кишилар корхона ошхонасида тушлик қилишади.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси одамларнинг дам олиши ҳақида мунтазам ғамхўрлик қилишади. Фахрийлар ва эҳтиёжманд кишиларга бепул йўлланмалар берилади. Корхонанинг ўзида медпункт бор. Уни ғоят малакали ва меҳрибон ходим Ирина Максимовна Чекистова бошқаради. Бу аёл бор жойда врачнинг, ҳатто хирургнинг ҳожати йўқ.

Йигирмадан ортиқ кишига бепул сут-қатиқ берилади. Улар соғлиққа зарар етиши мумкин, деб ҳисобланган касб эгаларидир.

Айниқса, бир гап менда ёқимли таассурот қолдирди. Корхона жамоасидан биров бетоб бўлиб касалхонада ётса, албатта жамоа бориб ундан ҳол-аҳвол сўрайди. Зарур бўлса, уйидаги юмушларга кўмаклашади. Шу мақсадда махсус фонд ташкил қилинган.

Ҳа, айтмоқчи, ишчи-хизматчиларнинг уйларидаги унчалик катта бўлмаган таъмирлаш ишлари корхона ҳисобидан бажарилади. Бу ва шунга ўхшаган тадбирлар ишнинг олдинга силжишини таъминлаяпти.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Энг каттаси шуки, корхона ҳаммага хизмат кўрсатишга тайёру бажарган иши учун вақтида пулини ололмай қийналади. Шунга қарамай, директордан тортиб оддий ишчигача ҳамма эртанги кунга ишонч билан қараб, ишни уддалаш чораларини кўряпти. Биз меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича айрим қийин ишлар ҳақида сўраган эдик, директор ҳам, бошқалар ҳам бир хил жавоб беришди:

— Иложини топамиз.

Тўғри, агар одам истаса, эгаллаб бўлмайдиган чўққи йўқ.

**Султонжон Самиев.**



# «ЗАВОДИМИЗ—ФАХРИМИЗ»

ПЕШТОҚИГА «Долварзин таъмирлаш заводи», деб ёзилган дарвозадан кириб борганимизда янги агрегат синовдан ўтказилаётган эди. Республикамиз олимлари томонидан яратилган, «Узагромашремонт» институтида ишлаб чиқилган «КЛ-004» маркали бу техника тури собиқ иттифоқ республикаларида ягона ҳисобланиб, ўтган 1992 йили шу даргоҳда ишлаб чиқишга жорий этилди. Маккажўхори донини сўтадан ажратиб берувчи бу агрегатнинг дастлабки намуналари хўжаликларга сотилиб, маккажўхорикорлар томонидан яхши баҳоланди. Ҳозир бу механизмга талаб ортиб бораяпти.

1930 йилда қурилган бу завод қишлоқ хўжалиги техникасини капитал таъмирлашга мослаштирилган бўлиб, асосан «МТЗ» тракторлари ва «Д-240» двигателларини капитал таъмирламоқда. Бундан ташқари «Беларусь» тракторларига ўрнатилган экскаваторлар ҳам шу завод цехида янгиланиб чиқаётир.

— Директоримиз Носирхон Мирзаахмедовнинг ташаббускорлиги билан ҳар бири бугунги кунда 300 минг сўм турадиган янги агрегат, шунингдек, пилла қурти боқишда фойдаланиладиган йиғма сўри ишлаб чиқармоқдамиз, — деди бош технолог Муҳаммад Мавлудов.— «Д-240» двигателларини ҳам ишлаб чиқара бошладик. Корхонамиз даромади янада ортди. Ўтган йили 78375 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, режани бир мунча ошириб бажарган бўлсак, бу йилнинг дастлабки уч ойида 57141 минг сўмлик натижага эришдик. Бундан ишчиларимизнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ортиб бораётир.

320 нафар турли касбда меҳнат қилаётган ишчиларнинг ўртача маоши 10 минг сўмданга тўғри келаяпти. Бундан ташқари ойлик режа-топшириқлар бажарилса, ҳар бир ишчига маошининг 40 фоизи миқдорида мукофот пули тақсимланади. Режалар эса доимо ошириб бажарилмоқда. Бугунги кунда завод жамоаси Баҳром Собиров, Анорбой Маматов, Комилжон Болтабоев, Владимир Жученков, Николай Евтухов, Абдукабир Эргашев, Олимжон Абдукабиров, Абдумажид Боймирзаев каби кўплаб меҳнат илғорлари билан фахрланади.

Завод цехларида ҳар бир ишчининг унумли меҳнат қилиши учун барча шароитлар мавжуд. Ёруғ ва тоза бинодаги ҳар бир ускуна ишчининг беҳавотир ва унумли ишлаши учун мослаштирилган. Айниқса, Шерали Эргашев бош бўлган мотор цехи иши унумли бўлаётир. Эҳтиёт қисмлар танқис бўлишига қарамай ички имкониятларни тўлиқ ишга солиб, барча двигателларни сифатли қилиб созлашга эришмоқда.

55 бош қорамол боқилаётган ёрдамчи хўжалик маҳсулоти завод, болалар боғчаларидан ташқари ишчиларга арзон нархда сотиш учун ҳам тақсимланади. Ҳар бир ишчи ойига 2 килограммдан гўшт олади.

— Шу йилнинг дастлабки тўрт ойида ишчиларимиздан тўрт нафари санаторийларда даволаниб келди,— деди завод касаба уюшма қўмитасининг раиси Шуҳрат Болтаев,— турли маданий тадбирлар, саёҳатлар мунтазам ўтказиб турилади.

Икки қаватли, замонавий қурилган маданият уйи маданий-оммавий тадбирлар масканига айланди. Кутубхонада иккита бадиий тўгарак мунтазам ишлаб турибди. Муқимий номли театр ва Республика сатира театри санъаткорлари ишчилар ҳузурида бўлиб туришади. Ҳар куни кинофильмлар намойиш этилади.

Ишчиларнинг турар-жой шароитини яхшилаш борасида ҳам сезиларли яхши ишлар амалга оширилган. 240 оила аъзолари завод уйларида истиқомат қиладилар. Навбатда турган 28 оилага уй бериш масаласи яқин вақтлар ичи ҳал этилади. Кўпмиллатли жамоа бир мақсад йўлида аҳиллик билан меҳнат қилиб, ўз яратувчанлик фаолиятлари билан яхши ҳаёт кечирмоқдалар.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**Бекобод тумани.**

Суратда:
Мотор таъмирлаш цехи чилангари Абдумажид Боймирзаев ва завод бош технологи Муҳаммад Мавлудов тайёр двигатель сифатини кузатишмоқда.

*Саволларга иқтисодчи Санжар Расулов, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти Йўлдош Турсунов ҳамда Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бўлими бошлиғи Босит Акбаровлар жавоб берадилар.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 июль 1993 йилдан иш ҳақини 2,5 баравар ошириш ҳақидаги Фармонига асосан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг «Ижара» усули билан ишловчиларга иш ҳақи қандай тўланади?*

**Б. САФАРОВ,**
**Тошкент вилояти,**
**Зангиота тумани.**

Ижарага берувчи билан ижарачининг муносабатларини тартибга солувчи асосий хужжат ижара шартномасидир. Бундай шартнома ихтиёрийлик ва томонларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги асосида тузилади.

Қишлоқ хўжалигидаги ижара шартномасида: ижарада ишлатиладиган ер ва унинг таркиби, ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури, миқдори, муддати, нави ва бошқалар, томонларнинг ҳуқуқ ва вазифалари тўла ёритилади.

Ишлаб чиқариш ички ижара усулида ташкил этилганда ижарачи ташқи муомилани (молиявий, ҳуқуқий) ижарага берувчи орқали амалга оширади.

Шунинг учун давлат қонунчилигида бўладиган ўзгаришлар (нарх-навонинг ўзгариши, иш ҳақининг ошиши) ижарачи ва ижарага берувчи томонидан шартноманинг қайта мутаносиблашуви билан тартибга солинади.

1993 йилнинг 1 июнигача Республикамизда фақат меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори 2 марта ўзгарди. Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашёларнинг баҳоси ҳам ўзгарди. Давлат томонидан сотиб олинадиган пахта, чорва маҳсулотлари баҳоси кўтарилди, айрим маҳсулотлар эркин баҳода харид қилинадиган бўлди. Бозор иқтисоди шароитида бундай ўзгаришлар яна давом этиши мумкин.

Бундй шароитда иш ҳақини кўтариш билан боғлиқ шартноманинг мутаносиблашувида қуйидаги кўрсаткичлар ўзгармайди:

а) Етиштириладиган маҳсулот тури, нави, муддати;

б) Режадан ортиқ етиштирилган маҳсулот ва режадаги маҳсулотнинг бир қисмидан фойдаланиш тартиби.

в) Шартнома асосида ижарачига етказиб бериладиган хомашёлар миқдори, техника ва бошқалар.

Ижарачининг розилиги ёки талаби билан йил давомида иш ҳақи кўтарилади. Лекин иш ҳақининг кўтарилишига асос қилиб шу хўжалик шароитида маҳсулотни етиштириш бўйича ишлаб чиқилган технологик жараён ва уни сотишдан кутиладиган даромад олинади. Ижарачининг даромади йил натижаси бўйича етиштирилган маҳсулот даромадидан шартномага асосан барча харажатлар чегириб ташлангандан сўнг аниқланади.

*Ўзим заводда ишчи, рафиқам 9 йилдан буён касалхонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Биз пахта тозалаш заводига қарашли уйда истиқомат қиламиз. Шу уйни биз Президентимиз қарорига биноан бепул хусусийлаштириб олишимиз мумкинми?*

**М. КАРИМОВ,**
**Самарқанд вилояти.**

Турмуш ўртоғингиз ҳамшира бўлиб ишлаганликлари туфайли республика Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 27 августдаги 399 сонли қарорига биноан яшаб турган уйни рафиқангиз номига бепул хусусийлаштириш мумкин.

Бу масалани паҳта тозалаш заводи маъмурияти орқали ҳал қилиш ҳуқуқига эгасиз. Агарда яшаб турган уйингиз туман ҳокимияти балансида бўлса, масалани ҳал қилиш учун у ерга мурожаат қиласиз.

*Қишлоқ ўқувчилари туман марказидаги мактабга ёки бошқа мактабларга семинарга чақирилса, уларга хизмат сафари сарфлари тўланадими?*

***Н. РЎЗИЕВ,***
***Самарқанд вилояти,***
***Қўшработ тумани.***

Истеъмол моллари ва алоҳида хизмат кўрсатиш нарҳлари ошганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 1 февралидан хизмат сарфлари меёри энг кам иш ҳақи белгиланган миқдорнинг қуйидаги коэффициентлари бўйича тайинланади:

— шаҳар ва холигохларда хизмат сафарида бўлиш чоғидаги бир кечакундузлик сарф — 0,06 коэффициенти бўйича тўланади;

— йўл чипталари тақдим этилмаган тақдирда уларнинг ҳақи мактаб раҳбарияти ёки туман халқ таълими бўлими раҳбариятининг руҳсати билангина тўланади.

*Шаҳар шаклидаги қишлоқ жойларида яшовчи ўқитувчилар электр энергия, сув ва газдан бепул фойдаланишлари мумкинми?*

***Я. АҲМЕДОВ,***
***Самарқанд вилояти.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги «Турли хил мактаб ўкитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг маошини ошириш ҳақида»ги Фармонига асосан қишлоқ ва шаҳар шаклидаги қишлоқ жойларида яшовчи педагог ходимлар турар жойи ва маиший хизматлари учун ҳақ тўлашдан тўла озод этиладилар.

*Мактабимизда 1800 та ўқувчи таҳсил олади. Айтингчи, хўжалик ишлари директор ўринбосарига ягона тариф сеткаси бўйича нечанчи разряд ва қанча маош белгиланган?*

***Т. Қодиров,***
***Тошкент вилояти***

Ягона тариф сеткаси бўйича хўжалик ишлари директор ўринбосарларига 7 разряд— 5225 сўм миқдорда маош белгиланган. Президент фармонларига биноан шу йил 1 апрелдан маошларнинг миқдори 20 фоизга 1 июндан эса 2,5 баравар оширилиши муносабати билан мактабнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарларининг маоши 15675 сўмни ташкил этади.

*Ёшим 47 да. Иш стажим 15 йил. 12 та фарзандим бор. Мен шу иш стажим билан шу ёшимда қарилик нафақасига чиқсам бўладими? Бунинг учун қандай ҳужжатлар керак?*

***С. БОБОЖОНОВА,***
***Навоий вилояти.***

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ камида 5 бола туғиб уларни саккиз ёшгача тарбиялаган оналар 50 ёшга етганларида ва камида 20 йил меҳнат стажига эга бўлганларида қарилик нафақасига чиқишлари мумкин бўлади.

Нафақа тайинлаш юзасидан тегишли ҳужжатлар (ариза, меҳнат дафтарчаси, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома ва ҳоказолар) туман ижтимоий-таъминот идорасига тақдим этилиши керак.

**Саҳифани котибият тайёрлади.**

Ишонч № 26 1993

# БЕГУНОҲНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИ



Ноғаҳон ҳовлида эшитилган қувончли кичқириқдан Умид сапчиб ўрнидан турди ва деразадан қаради. Ҳовлида Мақсуд эшикдан кириб келаётган бир аёлга қараб чопиб борарди. Ҳадемай хона эшиги очилиб, Мақсуд кирди ва қувонч билан:

— Умид, мени табрикла! Мени олиб кетгани онам келдилар. Ур-ра!—деб қувончи ичига сиғмай ўйинга тушиб кетди.

— Сен бахтлисан, Мақсуд. Сенга ҳавасим келади. Энди сен онанг билан бирга бўласан. Мен-чи, мени ҳеч кимга керагим йўқ. Мен ташландиқман,— деб йиғлаб юборди Умид.

Мақсуд ўйиндан тўхтаб, Умидни юпатишга тушди.

— Қўй, йиғлама, балки келиб қолишар. Ахир улар тирик-ку!—деди Мақсуд.

— Йўқ. Улар ўлган. Агар тирик бўлишганда шу пайтгача келишган бўларди. Мени ҳеч кимга керагим йўқ.

— Ундай дема, келиб қолишар. Биз бир умрга дўст бўлиб қоламиз. Умид, истайсанми, биз билан юр. Онам йўқ демайдилар. Бирга мактабга борардик.

— Йўқ. Мен ортиқчаман. Сен онанг билан бирга бўлишинг керак. Ахир сен онангни ўн беш йил кутдинг,— деб Умид кўзларидан оққан ёшни артди.

Шу пайт кимдир деразани чертди. Икковлон баравар қарадилар. Ўрта ёшли, сочлари калта, қош-кўзлари қора, ялтироқ кўйлак кийиб олган бир аёл кўринди. У Мақсудни имлаб, «кетдиқ»,—деди. Мақсуд ўрнидан турди ва:

— Майли, омон бўл. Ноумид бўлма. Мен ишонаман, сенинг онанг ҳам келади,—деб Умид билан қучоқлашиб хайрлашди.

Умид деразадан қараганда, Мақсуд онасининг қўлидан ушлаб олиб, атрофга мағрурона назар ташлаб борарди. Улар тез-тез юриб, кўча эшикка етдилар. Шу пайт Мақсуд дераза ойналаридан қараб турган болаларга қўл силкиб, чиқиб кетди. Шу кундан бошлаб Умид ёлғиз қолди.

Орадан кунлар ўтарди. Бир куни Умид ҳовлининг чеккароғида жойлашган ҳовуз ёнига бориб ўтирди. Сувда ўз аксини кўриб: «Сен ҳеч кимга керак эмассан! Онажоним, қаердасиз? Овоз беринг» дея пичирлар, кўзёшлари юзини ювиб тушарди. У шунчалар ўз хаёллари билан банд эдики, ҳатто тарбиячиси Робия опанинг келиб, унинг гапларини эшитиб турганлигини пайқамади. Робия опа уни ўз фарзандидек севар, Умид нима сўраса, унинг раъйини қайтармай бажарарди. Умиднинг нолалари Робия опанинг юрак-бағрини эзиб, тўсатдан:

— Умиджоним, болагинам,— деб юборди.

Умид хурсанд бўлиб:

— Онажоним, сизмисиз?... — Ха, сизмидингиз. Мен сезмабман келганингизни.

— Умиджон, юр, овқат пайти бўлди,—деб уни ошхонага бошлади. Лекин умид олдига қўйилган таомга тикилиб, қанийди шу овқатни онам пиширса, ҳаммасини еб қўйган бўлардим, деб ўйлади. Умид ўрнидан туриб, ошхонадан чиқди, ўз хонасига борди. Шу пайт эшик очилиб, хонага яна Робия опа кирди.

— Умиджон, сенга нима бўлди? Уч кундан бери туз тотмаяпсан. Тинчликми?

— Мазам йўқ. Нима бўлганига ҳайронман.

— Қани, иситманг йўқми? Вой ўлмасам, олов бўлиб ёнаяпсан-ку. Мен ҳозир... Сен ёт, жойингга ёт. Ҳозир келаман,— деб Робия опа югурганча чиқиб кетди.

Орадан кўп вақт ўтмай, у қайтиб келди. Ёнида болалар уйи шифокори Сарвар ака ҳам бор эди. Сарвар ака Умидни обдон текширди ва уни касалхонага ётқизиш керак, деган хулосага келди. Умидни касалхонада ҳам онаси ҳақидаги хаёли тарк этмади. У уч ҳафта ётди, кейин яна ўша онаси ҳақида хаёлларга чўмган хонага қайтди. Унинг қулоқлари тагида Мақсуднинг сўзлари жарангларди. «Келиб қолишар!»

Қанча хаёлга толганини билмай, кўзлари юмилиб, уйқуга кетди. Эшик «ғиқ» этиб очилишидан уйғониб кетди. Қараса, энагаси ёнида бегона аёл билан кириб келишарди. Умид сапчиб ўрнидан турди. Робия опа:

— Умиджон, бу аёл сенинг онанг бўладилар,— деб таништирди.

Умид кўзларига ишонмай, бирор гап айтолмай, шашқатор бўлиб оқаётган ёшларини тўхтатолмай, «Онажоним, меҳрибоним, наҳотки бу—сиз. Наҳотки худога қилган нолаларим етган бўлса», деб йиғлаб аёл томон югурди. Лекин аёл Умидни унчалик яхши қабул қилмади. Фақатгина «Яхши юрибсанми, Умид. Юр, мен сени уйга олиб бораман, кейин яна қайтиб келарсан», деди, холос. Умид хурсандлигидан бунга рози бўлди. Робия опа уларни кўча эшиги олдигача кузатиб қўйди. Кўчада уларни машина кутиб турарди. Умид ўзида йўқ хурсанд. Лекин аёл унга эътибор бермасди. Анча юришгандан кейин бир чиройли, ҳашаматли уй олдида тўхтадилар. Улар ичкарига киришди. Аёл:

— Сен ҳув анави хонага кир. Мен ҳозир,—деб нарига ҳовлига ўтиб кетди.

Умид турган жойида қотиб қолди. Умрида бунақа уйни кўрмаган эди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, гуллар очилган, эшик ва деразалар нақшлар билан безатилган, деворларга турли-туман суратлар чизилган, ҳовлидаги дарахтларнинг мевалари ғарқ пишган, ариқларда сув жилдираб оқарди. Хуллас, бундай жаннатмакон уйни, ҳовлини Умид ҳатто тушида ҳам кўрмаган. У оҳиста юриб, ойиси кўрсатган уй томон борди. Уй ичига кириб лол қолди. Уйнинг ичкариси ҳовлидан ўн чандон чиройли эди. Умид аста-секин тўғридаги хона эшигини очди. У ҳам чўғдек безатилган, кираверишда ўнг томонга қўйилган иккита юмшоқ курсилардан бирида нотаниш эркак карта ўйнаб ўтирарди. Умид эшик олдида нима қиларини билмай қотиб қолди. Шу пайт ойиси кириб келди ва:

— Ўтир. Сен қиладиган кичкинагина иш бор,—деб ҳалиги эркак олдига бошлади. Ҳалиги киши Умид билан совуққина кўришиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Нималар бўлаётганини билмай, Умид худди гаранг одамдек ўтирди. Ойиси қўшни хонадан бир оппоқ қоғоз билан ручка олиб чиқди. У киши бўлса, қоғоз билан ручкани Умиднинг олдига қўйди ва:

— Мен розиман, деб қўл қўй!—деди.

Умид хўп, деб қўл қўйди. Лекин у шу бир имзо билан ҳозиргина кўрган жаннатмакон уй-жойдан маҳрум бўлаётганини билмасди. Ҳалиги киши ёнидан бир даста пул чиқариб берди ва:

— Кетавер. Бўлди, иш битди!—деб карта ўйнашда давом этди, лекин Умид пулни олмади. Онаси Умидни остонағача кузатиб қўйди:

— Омон бўл, бошинг тошдан бўлсин. Бора қол, сени Робия опанг кутаяпти,— деб ичкарига кириб кетди.

Умид ўпкаси тўлиб келаётганини сезиб, югуриб «жаннатмакон ҳовли»дан чиқиб кетди. Кўчада ўрнатилган ўриндиққа ўтириб, қуйилиб келаётган кўзёшларини тўхтатолмай унсиз йиғларди. Қанча ўтирганини билмайди. Бир пайт қараса, мункиллай бошлаган кампир келаётганини кўрди ва кўзёшларини артиб, оғир хўрсинди. Кампир ўриндиққа яқинлашиб:

— Ўғлим, сал сурилгин. Озгина дам олай, чарчадим,— деб ўтирди. У қараб:

— Тинчликми, нега йиғлаяпсан? Ким хафа қилди? Кимнинг боласисан?—деб суриштира кетди.

Умид бошидан ўтганларнинг барини кампирга тўкиб солди. Кампир уни обдон тинглагач, Умиднинг отасини таниганлигини айтди. Умид бўлса:

— Ростми, бувижон? Айтинг, отамга нима бўлган?—деб кампирга яқинроқ ўтирди.

Кампир Умиднинг уйидан 4—5 уй нарида турар экан. Унинг айтишича, Умид туғилмасдан 6—7 ой илгари онаси отасига хиёнат қилган экан, лекин отаси бошқаларга ўхшаб ажрашмай, уни кечирибди. Аммо отасининг умри қисқа экан, орадан бир йил ўтгандан кейин вафот этибди. Вафотидан олдин бутун уй-жойини, мол-мулкини ўғлига хатлаб бериб кетибди. Отасининг вафотидан кейин онаси Умидни болалар уйига топшириб, ўз билганича яшайверибди. Бутун маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар онасидан юз ўгиришибди. Энди бўлса, ўғлига берилган мол-мулкни ўз номига ўтказиш пайига тушган экан.

— Мана шундай бўлган, ўғлим. Сен хафа бўлма, ҳали ҳаёт олдинда. Майли, мен борақолай. Бир айланиб келай, деб чиққандим. Сен ҳам ҳалиги детдомингга борақол. Бу ерда қолма. Омон бўл, болагинам,— деб ўз уйи томон кетди.

Умид нима қиларини, қаёққа боришини билмасди. Унинг миясида фақатгина бир нарса айланарди. У ҳам бўлса, мен ҳеч кимга керак эмасман, деган ўй. У сапчиб ўрнидан турди ва боши оққан тарафга югуриб кетди. Қанча югурганини, қаерга бориб қолганини билмасди. Фақатгина узоқда катта тезлик билан келаётган поездни кўрди, холос. Умид бу дунёдан шу қадар тўйган эдики, шу қисқагина умрдан ҳам кечишга тайёр эди. Поезд тобора яқинлашиб келарди. Умид охирги қатъий қарорга келди. Бу ҳам бўлса, ўлим. Поезд Умид билан ўн метрлар чамаси ораликда эди ҳамки, у қаттиқ қичқириб: «Ла илоҳа иллалоҳ ул Муҳаммадин Расулуллоҳ» деб ўзини темир йўл орасига ташлади. Кўз очиб-юмгунча ҳозиргина соппа-соғ турған Умиддан ном-нишон қолмади. У бор-йўғи 15 баҳорни қаршилаган эди, лекин ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган эди. Ҳеч кимнинг қисмати сенинг қисматингдек бўлмасин. Аллоҳ сенинг жойингни жаннатда қилсин, бегуноҳ болажон!



**Феруза УСМОНОВА,**
**9-синф ўқувчиси.**

## ДРАМАТУРГЛАР ЙИҒИНИ

ЎЗБЕКИСТОН ёзувчилар уюшмасида драматургия секцияси ва ахборот воситалари вакилларининг қўшма йиғини бўлиб ўтди. Драматургия кенгаши раиси Абдуқаҳҳор Иброҳимов йиғинни очиш билан Ўзбек драматургиясининг шу кеча-кундуздаги тақдири, ютуқ ва камчиликлари ҳақида қисқа нутқ сўзлади. Шундан кейин бирин-кетин сўзга чиққан драматурглар Ҳайдар Муҳаммад, Ҳайитмат Расул, «Ишонч» газетасининг бош муҳаррири, драматург Тўлқин Қозоқбоев, ёзувчи ва «Ишонч»газетаси муҳаррири Жонрид Абдуллахоновлар бозор иқтисодиёти шароитида театрларимизнинг вазифалари, драматургларнинг роли ва шу даврнинг барча қирраларини рўй-рост акс эттириб бера оладиган янги-янги асарлар яратилиши зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Ҳар ким бу борадаги фикр, мақсадлари, санъат соҳасидаги шахсий мушоҳадалари ҳақида газеталар саҳифаларида баҳслар, мунозаралар кўтариб чиқишлари зарурлигини ҳам эслатиб ўтдилар. Санъатшунос олимлардан Ҳамидулло Акбаров, Баҳриддин Насриддинов саҳна асарларини кинолаштиришга бўлган муносабатлар ва бу соҳадаги муваффақиятлар, шунингдек, йўл қўйилаётган камчиликлар, Ўзбекистон маданият ишлари вазири ўринбосари Теша Мўминов, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат драма театри бош режиссёри Рустам Ҳамидов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим мудири Ашурали Жўраев, санъатшунос олима, Ўзбекистон телевидениеси адабий драматик кўрсатувлар бўлими бош муҳаррири Нафиса Зоҳидовалар ҳам саҳна асарларини намойиш қилиш борасидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, замонавий мавзуда ёзилган асарларни ривож топишига ўз вақтида маълум даражада ҳисса қўшган Туроб Тўла, Максим Қаримов, Раззоқ Ҳамроев, Олим Хўжаев, Ёнғин Мирза сингари қатор таниқли драматург ва театр арбобларининг хотираларини тиклаш ҳақида ҳам ўз таклифларини ўртага ташладилар. Кўп сонли томошабинлар номидан сўзга чиққан Фатхулла Зикруллаев эса саҳнада миллий урф-одат, одоб-ахлоқ, миллий мусиқаларга етарли эътибор берилмаётганлиги тўғрисидаги танқидий фикрларини билдирди.

Йиғинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Жамол Камол, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг вакиллари, театр раҳбарлари ва матбуот ходимлари иштирок этдилар.

**«Ишонч»нинг махсус мухбири.**

# ҚАТРАЛАР

### АРМОН

— Қанча тезлаб ўссанг ҳам мендек бўлолмайсан,— деди чинор ўзидан сал нарироқда эндигина авж олиб ўсаётган гилосга.

— Тўғри, ўсишда сизга тенг келолмайман. Баҳслашолмайман ҳам. Бошингиз кўкка етса ҳам, менга барибир. Менинг йўлим бошқа.

Тинчланган чинор ўзининг навқирон салобатидан мағрур, еллар эпкинида мазаҳ қилиб яшарди.

Вақт келиб гилос шохлари мевадан ларзон эгилди. Ўтган-кетганлар мевасини тотиб мақташар, қизалоқлар қулоқларига зирак қилиб тақишарди. Чинор эса бундай пайтда нигоҳлардан четда.

— Қизиқ,— дейди чинор бу ҳолдан хомуш бўлиб,— шунча йил яшаб, наҳотки гилосдек ҳосил туголмасам.

### ЖЎХОРИ ВА ҒУМАЙ

Меҳнаткаш қўллардан ишлов еяётган «дала маликаси» яйраб кўкка бўй чўзади. Қобиқ йўргагида тўлишаётган сўта фарзандларининг келажагидан мамнун. Елда рақсга тушади.

Қуйида ўсаётган нимжон ғумай эса бундан ичэтини ейди:

— Шу пайтгача мени икки марта ўришмаганда ўсишда сендан қолишмасдим. Қип-қизил уруғлар ҳам бойлардим.

— Уруғласа яна баттар кўпаяди, экинни сиқади, дейишиб шахдингни қайтариб туришади. Қилмишингни билатуриб, ҳасад қиласан-а,— дейди жўхори.

Ғумай бундан ғижраниб, очиқда яйраб ўса олмаганидан ер тагидаги бўғин-бўғин илдизига янада зўр берар экан.

### БИЛИМДОН

— Мен жўяклардан милдираб оқишим керак пайкалда. Шалдираб оқсам тупроқни ўйиб кетаман. Ниҳол илдизлари очилиб қолади,— дейди сув, сувчи уни зийраклик билан милдиратиб тараётганида.

— Бу пайкал кафтдек текис экан. Милдираб оқсам ниҳолларни эзиб қўяман,— дейди сув, сувчи уни дадилроқ тараётганида.

Сув сувчининг қўлида тўғри жиловланмаганда ўзича шундай билимдонлик қилармиди?!

### КУЗГИ ДУВАРАКЛАР

Куз. «Қизил тарам» ўз томирларидаги ҳаракат кун сайин сустлашаётганидан ноҳуш ҳисларга берилди. Баҳор, ёздагидек гўзаллик, мақтовларни қўмсайди. «Бир зўр бериб, чиройлик олмалар тугсайдим яна».

Дарахтнинг тана ва шохлари ички бир дарддан зўриқди. Сийраккина гуллади. Катталиги мусичанинг тухумидек келадиган олмалар баъзиларни ром этди. Бир тишлаб мазасини тотишгач эса отиб юборишди: «Баҳорда гуллаб, ёзда ширага тўлган олмадек бўлармидинг, эҳ кузда шошилиб «пишган» дувараклар!»

Баъзилар ўз ҳаётида бемаврўд чираниб, дувараклар туккан олмадек уялиб қоладилар.

### ҚИЗИЛЧА

Сабзининг хатасига экилган қизилча яхши ишловдан сўнг тўлишди. Катталиги пиёладек думалоқ юзларидан қон тирсиллаб чиқиб кетаётгандек.

— Қанд моддаси кўплигидан экинлар ичида танҳо ўзимман-ов. Кўпирган қип-қизил ширин қоним танамга сиғмай, баргимга ўтиб кетди-я,— деди у қуённинг қулоғидек шапалоқ баргларини қимирлатиб сабзига.

— Ўзингизни сал босинг,— деди сабзи ер тагидан тўнғиллаб.

— Ҳой, сабзи, унга айтгин, қанти меникидан кўп бўлса яхши. Етмаганимга кенг бўлади, деб қайтангга хурсанд бўламан,— деди қўшни эгатда ўғирдек келадиган қантлавлаги.

Қизилча баттар қизариб кетди.

### ТИКАН

— Сени муҳофаза қилишим учун атрофингга ўраб қўйишди мени. Ўзингни ўнглаб олгунингча тиш-тирноғим билан ҳимоя қиламан,— деди янтоқ ёш ниҳолга.

— Бир ҳисобда сенга ҳам яхши бўлди. Мени ҳимоя қилиш баҳонаси билан кимгадир тиканингни санчсанг гинаси ўзидан,— деди ниҳол.

### ТЎҒРИ ЙЎЛ

Сув ариққа деди:

— Юрган йўлимдаги ниҳол борки, мендан гуркираяпти.

— Сени мен тўғри йўлга солиб турмасам, ўзингча босган йўлингдан қандай фойда чиқарди?!

### ҚАЙРОҚ

— Мусобақада ортда қолганимга таъна тошини отма, азизим. Барибир мусобақадан хурсандман. Маррага етгунча «рақибим»нинг ҳаракатидаги тажрибасини ўргандим. Ғайрат, шижоатим қайралди.

— Пичоқ ҳам ўткир бўлиши учун қайроққа қайралиб туради-ку. Мусобақа эса ҳаракатимиздаги энг бебаҳо қайроқдир, азизим.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ,**
**боғбон.**

## ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ТАРИХИДАН

● ҲИСОБЛАШ техникаси механик қурилмалар даврини бошлаб берган машиналардан бири немис олими Вильгельм Шиккард томонидан 1623 йили ихтиро қилинди. Бироқ мазкур ҳисоблаш машинасини узоқ вақтгача биринчи ихтирочиси 1645 йили Арифмометр ясаган француз математиги Блез Паскаль деб ҳисоблаб келинган. Лекин 1958 йили И. Кеплернинг қўлёзма ва ҳужжатлари орасидан топилган ҳисоблаш машинаси чизмаси бу борадаги биринчи ихтирочи Шиккард эканлигини узил-кесил тасдиқлади.

Қарангки, Шиккарднинг машинаси ҳам биринчи эмас экан: 1967 йили Мадриддаги миллий кутубхонада Леонардо да Винчининг нашр қилинмаган икки жилдлик қўлёзмаси топилди. Қўлёзманинг биринчи жилди деярли бошдан-оёқ механикага бағишланган бўлиб, улар орасидан ҳисоблаш қурилмасининг чизмаси ҳам чиқди. Шу чизма асосида яратилган машина қўшиш ва айириш амалларини бажарувчи қурилма эканлиги маълум бўлди. Шунга қарамай, Леонардо да Винчи XV—XVI асрлардаги ҳисоблаш машиналарининг номаълум ихтирочиларидан бири, деб ҳисоблаб келинмоқда. Механик ҳисоблаш машиналарининг тарихи эса, юқорида айтиб ўтилганидек, Паскаль машинасидан бошланади.

Ҳисоблаш машиналарида поғонали валикнинг қўлланиши механик машиналарни такомиллаштиришга кучли туртки бўлди. Булар орасида рус математиги П. Чебишевнинг арифмометри алоҳида эътиборга лойиқ. 1890 йилда бошқа бир рус математиги В. Однер ғилдиракдаги тишлар сони ўзгарувчан ва ҳозирда қўллаб келинаётган «Феликс» арифмометридан айтарли фарқ қилмайдиган ҳисоблаш машинасини яратди.

XIX асрнинг биринчи ярмида инглиз математиги Чальз Беббиж дастур асосида бошқарувчи автоматик ҳисоблаш машинасининг назариясини ишлаб чиқди. Бироқ, олимнинг фикрини қўллаб-қувватлайдиганлар XX асрда — рақамли ҳисоблаш машиналари яратилган даврдагина амалга ошди.

## ҚИТЪАНИ КАШФ ЭТГАН КАПИТАН

● ЯН МАКИЯН бошлиқ Мелбурунлик бир гуруҳ ишқибозлар Мелбурундан 264 километр узоқдаги Уорнамбул кўрфази қирғоқларида қазиш ишларини бошлаб юборишди. Қитъага дастлаб кўчиб келган аҳоли томонидан ёзилган ҳужжатларга кўра худди шу ерда энг сўнгги марта 1880 йили эски португал кемасининг қолдиқларини кўришди.

Мазкур кема Австралияда машҳур бўлган. Кейинчалик кема қолдиқларини кўчма қумлар босиб кетган. Олимларнинг фикрича, узунлиги 30 метр, оғирлиги 100 тоннага яқин бўлган бу кема XVI асрда португалияликлар томонидан қурилган. Магелланнинг бутун дунё саёҳатини такрорлашга бел боғлаган капитан Мендос фойдаланган кема харитасига Ҳинд океанидаги бир қанча «сеҳрли мамлакатлар» белгиси туширилган. Шулардан бирини жўғрофий узунлик бўйича силжитилса, роппа-роса Австралия шаклига мос тушади.

Демак Австралия қитъасини Мендос кашф қилган экан.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлаган.**

## Хандалар

Цирк томошасида бир қизнинг шер билан бир қафасдаги машқини намойиш қилишди. Қиз бир чақмоқ қандни оғзида тутиб, шерга узатади. Шер тўппа-тўғри унинг оғзидан қандни олиб, ейди. Шундан кейин цирк директори томошабинларга мурожаат қилади:

— Ичингизда мана шу қиздай юракли, мард бўлса, ўртага чиқсин. Шу қизнинг машқини такрорлай олганга икки юз минг сўм мукофот!

Ҳамма жим. Фақат залнинг энг охирида ўтирганлардан бири ўрнидан туриб, мардлигини намойиш қилишга розилигини айтади.

— Мен такрорлайман,— дейди у,—фақат бир шартим бор: анави шерни қизнинг олдидан нарироққа олиб туринг.

* * *

Бир бола ҳамроҳидан сўрайди:

— Сувга шўнғий оласанми?

— Бўлмасамчи!

— Сув остида қанча тура оласан?

— Униси номаълум.

— Нега?

— Чунки, бу мени сув остидан қачон ва қанча вақтдан кейин қутқариб олишингга боғлиқ.




Тилла мағазин. Харидор сотувчидан сўрайди:

— Анави тақинчоқ неча пул туради?

— Ўн минг.

— Даҳшат-ку! Анави узукнинг нархи-чи?

— Униси—икки даҳшат!

* * *



Миша мактабдан: «икки» баҳо олиб қайтади.

Уни кўрган отаси:

— Ассалому алайкум,— дейди,—хўш, Мишавой, ишлар қалай?

Миша унга тумтайиб жавоб қилади:

— Кечирасиз, мен «икки» баҳо олган боланинг отаси билан гаплашмайман!

**Абдулла САМАД**
**таржимаси.**



## МУАММОНОМА

Азиз муштарий! Аввал қуйида таърифланган ном ва сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

Очқич: 1. Аҳмад Яссавийга илк таҳсилни берган машҳур турк машойихи — 2, 5, 4, 12, 6, 7, 8, 6, 8.

2. «Насойимул муҳаббат» асарида Аҳмад Яссавийга юксак таъриф берган улуғ ўзбек мутафаккир шоири — 7, 12, 21, 6, 13, 22.

3. Муҳаммад алайҳис-салом айтган панд насиҳатлар ҳамда унинг ҳаёти, фаолиятига оид ривоятлардан иборат муқаддас манба — 19, 2, 5, 13, 4.

4. Ахмад Яссавий имом Юсуф Ҳамадонийдан таҳсил олган шаҳар — 8, 16, 17, 6, 5, 6.

5. Макка шаҳридаги энг муқаддас ибодатхона — 15, 2, 11, 8, 2.

6. Туркистон шаҳрининг аввалги номи — 20, 4, 4, 13.

7. Ислом динининг беш асосий рукнларидан бири — 19, 2, 18.

8. Аждодлардан авлодларга қолган илмий, адабий, маданий бойлик — 1, 10, 5, 6, 4.

9. Эл бор ерда 4, 9, 14. бор. Мақол.

Очқични тўғри ҳал этган бўлсангиз шаклдаги рақамларни жавоблардаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани топинг. Бунда икки мисра ҳикмат ва унинг муаллифи аён бўлади.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.**

